

Ўзбек фолклоршунослигининг дастлабки саҳифалари ўтган асрдаги мустабид тузум шароитида халқ кадрийатларининг сакланиб қолишини чин дилдан истаган фидойи зиёлилар томонидан ёзилган. Тез суръат билан ривожланаётган янги ижтимоий муҳит Гози Олим Юнусов, Гулом Зафарий, Ходи Зарифов каби ўзбек фарзандларидан таназзулга юз тута бошлаган оғзаки ижод намуналарини зудлик билан ёзиб олиб, имкон қадар нашр қилишни тақозо этган.

Ходи Зарифов халқ оғзаки ижодини ўрганувчи фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг ташаббуси билан катта авлод каторига аввал М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, кейинроқ эса Ж.Кобулниёзов, М.Саидов, М.Муродов, К.Имомов, Т.Мирзаев каби мутахассислар қўшилдилар. Улар илм-фан раўнақи учун қиска муддат ҳисобланган 40-50 йил мобайнида минглаб оғзаки ижод намуналарини ёзиб олдилар ва кўпларини нашр эттиришга муваффақ бўлдилар. 1972 йили Тбилисида бўлиб ўтган фолклоршунослар анжуманида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” туркумида қирк жилдга яқин китоб нашрдан чиққани алоҳида эътирофга сазовор бўлганди. Ўша пайтда собиқ иттифокдаги биронта халқда бу қадар катта оғзаки ижод асарлари нашрдан чиқмаган экан. Олимларимиз асосий эътиборни дoston, эртақ, қўшиқ, мақолларни ёзиб олиш ва эълон қилиб халққа қайтаришга қаратиб, бу борада илм қилишни кейинроққа сурган эдилар. Бу ҳолатни шундан ҳам билса бўладики, ўтган асрнинг хатто 60-йиллари, фолклоршунослик шакллана бошлагандан қирк йилча ўтиб ҳам оғзаки ижод мутахассислиги бўйича фақат битта фан доктори фаолият кўрсатаётган эди.

Мухаммаднодир Саидов докторлик илмий ишини ёзган пайтлари республикада шу соҳа бўйича фан докторлари бармоқ билан санарли эди. У пайтлар фолклоршунос олимлар ўз тадқиқотларида кўпинча фан муаммоларини эмас, муайян шароит тақозо этган масалаларни кўтариб чиқишга мажбур бўлганлар. Ана шундай мураккаб вазиятга қарамай оғзаки ижод асарларини ўрганишга қиришган ёшлар дoston, эртақ, қўшиқ ва мақол каби жанрларнинг бадиий ижод маҳсули сифатидаги фазилатларни тадқиқ этишга кўпроқ эътибор бердилар. Бу ҳаракат бевосита Мухаммаднодир Саидов фаолияти билан ҳам боғлиқ эди. У устоз Ходи Зарифов раҳбарлигида халқ дostonларининг жанр хусусиятларини таҳлил этишга алоҳида эътибор берди. 1969 йили чоп этилган “Ўзбек дostonчилигида бадиий маҳорат” китобининг аксарият боблари бевосита халқ эпосининг назарий муаммолари ҳақидаги қузатувлардан иборат. Наврўз байрами, халқ эпосидаги бадиият, оғзаки ижодда миллий менталитетга менаймай қаралган бир даврда халқ дostonчилигидаги қатор назарий масалаларни қун тартибига қикариш катта жасорат эди. Бу назарий масалалар ўз навбатида халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятлари, халқ дostonларидаги насрий ва назм парчаларининг ўзаро муносабати, матн, мусика, овоз, ифода каби унсурлар тадқиқи билан боғланиб қетар эди. М.Саидов айна қогда халқ дostonларининг мавзу қихатдан қаҳрамонлик, романтик, жангнома, китобий, тарихий турлардан иборат эканини ҳам аниқ далиллар билан кўрсатиб берди.

Ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида устоз билан ҳамқорлик қилар эканман, Мухаммаднодир аканинг ҳар бир масалага қуқур илмий ўлчов билан ёндашишига қувоҳ бўлганман. 80-йилларнинг ўрталарида Озарбойжондан филология фанлари доктори, профессор Мирали Сайидов факултетимизга тақлиф қилинди. Мехмон ўз маърузасида

Олмаота якинидаги Иссик кўргонидан топилган “тилла одам”, яъни жангчининг бошдан оёк тилладан килинган рамзий уст-боши хакида фикр юритди. Ўн саккиз ёшли йигитчининг жасади ана шу тилла совутга жойлаштирилган экан. Унинг дубулга кисмидаги от, архар, йўлбарс, илон каби хайвонлар, дубулганинг тўрт тарафидаги ўқлар, ён кисмидаги тоғлар, дарахт, куш тасвирлари М.Саидов томонидан жуда асосли ва илмий тарзда шундай тахлил килиб берилдики, Мухаммаднодир акада “Алпомиш” достонидаги мифик дунёкараш таъсири хакида янги мулохазалар пайдо бўлди. Биз ўзаро сухбатларимиз давомида фолклоршунослигимизда тотем, фетиш, анимизм масалалари кам ўрганилганига эътибор карата бошладик. Натижада Тойир Хайдаров, Абдумурод Тилавов, Музаффар Чоршанбиев каби шогирдларга мифик дунёкараш илдизларининг огзаки ижоддаги ўрнини тадқиқ этишга багишланган мавзулар тавсия этилди.

Мухаммаднодир Саидов Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги илмий текшириш институтида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган даврда “Тохир ва Зухра”, “Нурали”, “Вомик ва Узро” каби кўплаб дostonларни нашрга тайёрлади ва фолклор экспедицияси иштирокчиси сифатида кўп асарларнинг ёзиб олинишига эришди. Бу жараён Миллий университет даргоҳида халқ огзаки ижодига оид назарий маърузалар, махсус курсларни олиб боришга ёрдам берди. Айниқса, талабаларнинг фолклор-диалектология экспедициялари чоғи амалга оширадиган амалий ишларимизни домла бирма-бир кўрсатиб берар, аҳоли билан кандай муомала килишни ўргатар, огзаки асарларни ёзиб олишда матнга кўйиладиган талабларни такрор-такрор тушунтирар эдилар. Бу жараённинг амалий натижасини Маматкул Жўраев, Абийр Мусакулов, Жаббор Эшонкул, Шомирза Турдимовдек ёшларнинг фолклоршуносликка кириб келганларида аниқ хис этганман.

Мухаммаднодир Саидов Маданият вазирлигининг кинематография бош бошкармаси, Олий таълим вазирлиги, жонажон университетимизда ҳам самарали фаолият олиб борган эдилар. Бир воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди, 90-йилларда кафедрамизга Кўкон педагогика институти ўқитувчиси Раҳима Саидовага номзодлик диссертацияси ёқланмагани холда доцент илмий унвони бериш хакида маслаҳат хати келди.

Р.Саидованинг адабиёт ўқитиш услубияти соҳасидаги фаолиятини ўрганиб чиқдик ва таклифни кўлладик. Аммо университет илмий кенгашида бизга эътирозлар бўлди. Бу эътироз асосан номзодлик диссертацияси ёқланмагани билан боғлиқ эди. Хуллас, кўп сонли илмий кенгаш аъзолари ижобий қарорга келишга иккиланиб қолишди. Шундай бир вазиятда М.Саидов университет ректори Ш.Алимовга: “Шу мутахассисни мен кафедрамдаги доцентлик лавозимига жон деб олар эдим”, дедилар. Шу бир огиз дадил гап боис кафедра қарорини ректор иккиланмай кўллади. Тўғри, кўп ўтмай Раҳима опа ўз диссертациясини химояга кўйди. Лекин ўшанда устознинг холислиги ва журъатига тасанно деганман.

Собик тузум пайтида тасодифий, телба-тесқари ходисалар ҳам бўлиб турарди.

Мухаммаднодир Саидовнинг докторлик диссертацияси билан боғлиқ шундай воқеа рўй берган. Домла 1973 йили “Ўзбек халқ дostonлари ва дostonчилигида бадий маҳорат масалалари” мавзуида докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади.

Хужжатлар ўз вақтида собик марказга жўнатилди. Аммо орадан уч йилга яқин муддат ўтса ҳам на ижобий, на салбий жавоб олинмади. Одатда бундай пайтлар химоя қилган мутахассис сухбатга чақирилар эди. Хамкасблар “юмалок хат борган, шекилли” деб бир-бирига маъноли қараб кўйишар эди. Охири тоқати тоқ бўлган устоз диссертация

такдирини аниқлашга қарор қилди. Орадан яна кунлар, ойлар ўтди ва пировардида муаммо ечилди. Маълум бўлишича, диссертацияни қабул қилиб олган собиқ марказнинг идора котибаси ўриндигини баландрок қилиш учун “илмий иш” китобини стул ёпинчиги тагига қўйиб, машинка қилишнинг осон йўлини топган экан. Ёпинчик остидаги диссертация топилгунга қадар бечора диссертантнинг рухиятида юз берган вазият ҳеч кимни ташвишга солмаган... Ўшанда устознинг иродаси ва ўз илмининг пухталигига ишончи нақадар юксак эканига қойил қолганман. Домла ҳазил аралаш: “Диссертация тамоман бир четда қолиб кетганда ёмонрок бўларди. Нима бўлганда ҳам топилиб, тасдиқланди-ку”, деган эдилар табассум билан.

Халқимизнинг бебаҳо оғзаки ижод намуналарини тадқиқ этиш ва қўплаб фольклоршунос олимлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган Муҳаммаднодир Саидовнинг илмий изланишлари эътироф этилиб, истиклолимиз арафасида “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган халқ маорифи ходими” унвони билан тақдирланган эди. Айни кунларда таваллудига саксон йил тўлаётган домланинг муносиб шогирдлари мустақиллигимиз шарофати билан халқ оғзаки ижодидан маънавият дурларини тўплаш ва нашр этиш ишларини катта қуч-ғайрат ва илҳом билан давом эттириб, устоз руҳини шод этмоқдалар.

Омонулла Мадаев